

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Аниқ ва табиий фанлар**

МАТЕМАТИКА

<b>Ш.Каримов, З.Комилова</b>	
Сингуляр коэффициентли тўртинчи тартибли битта тенглама учун Гурса масаласи.....	6
<b>К.Каримов</b>	
Яримчексиз параллелепипедда учта сингуляр коэффициентга эга бўлган эллиптик тенглама учун чегаравий масалалар .....	11

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

<b>Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова</b>	
Яримўтказгичларда ток ташувчилар эффектив Гамильтониани назарияси хусусида.....	24

КИМЁ

<b>М.Хожиматов, Ф.Абдугаппаров, И.Асқаров, Қ.Отахонов</b>	
М-ферроценилбензой кислотаси билан амигдалин реакциясини ўрганиш .....	28

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

<b>Э.Исаков, Ш.Турдиев</b>	
Болалар орасида бирламчи ногиронлик структурасининг таҳлили.....	33
<b>Ф.Тухтасинов</b>	
Фарғона водийси жанубидаги сабзаёт экинларининг агробиоценозлари орасида тарқалган бегона ўтлардаги бўртма ва бошқа тур паразит фитонематодаларнинг тарқалиши .....	37

**Ижтимоий-гуманитар фанлар**

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>Т.Абдуллаев</b>	
Инсон фаолиятининг ижтимоийлашуви .....	42
<b>Г.Ғаффарова, Б.Қодиров</b>	
Ҳаракатлар стратегияси ва тизимли ёндашув .....	47
<b>М.Каримова</b>	
Инсоният онги ва қалбига қаратилган глобал таҳдидлар .....	52
<b>А.Музаффаров</b>	
Маданиятлараро мулоқот категорияси тадқиқига фалсафий-герменевтик ёндашув.....	56
<b>А.Қамбаров, Д.Тошалиев</b>	
Бузрук мақомидан Сарахбори бузрук шуъбасининг таҳлили масаласига доир .....	60

ТАРИХ

<b>Т.Эгамбердиева</b>	
1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ўзбек хотин-қизларининг маънавий жасорати.....	66
<b>Ҳ.Холиқулова</b>	
Ўзбекистон ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотлари: истиқболлари ва уларни ривожлантириш йўллари.....	71
<b>О.Ахмадов</b>	
Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)да таълим ва тарбияни замонавийлаштириш учун кураш .....	75

УДК: 93/99+355+327.36

## 1941-1945 ЙИЛЛАР ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТИ

### НРАВСТВЕННЫЙ ГЕРОИЗМ УЗБЕКСКИХ ЖЕНЩИН ВО ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ 1941-1945 ГОДОВ

#### THE WORLD WAR II AND THE MORAL COURAGE OF UZBEK WOMEN IN THE SECOND WORLD WAR IN 1941-1945

Т.Эгамбердиева

##### Аннотация

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар, халқ ҳаётининг фронт ортидаги аҳволи, бу жараёнда хотин-қизларнинг кўрсатган жасорати ва ғалабага қўшган ҳиссаси, жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатган ўзбек қизлари, шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон ҳукумати томонидан уруш фахрийларига кўрсатилаётган эътибор ҳақида сўз юритилади.

##### Аннотация

В данной статье речь идет об изменениях, произошедших в жизни узбекского народа в годы Второй мировой войны, о положении за линией фронта, о жизни людей, о мужестве женщин и их вкладе в победу, об узбекских девушках, проявивших героизм на полях сражений, а также о внимании, проявляемом правительством Узбекистана к ветеранам войны.

##### Annotation

In this article we will talk about the changes that took place in the life of the Uzbek people during the Second World War, the situation behind the frontline of people's lives, the courage and victory of women and their contribution to this process, the Uzbek girls who showed heroism in the battlefields, as well as the attention shown by the Government of Uzbekistan to the war veterans.

**Таянч сўз ва иборалар:** уруш, тинчлик, Иккинчи жаҳон уруши, фронт ортидаги ҳаёт, қаҳрамонлик, ўзбек аёллари, уруш фахрийлари, ибрат.

**Ключевые слова и выражения:** война, мир, Вторая мировая война, жизнь в тылу, героизм, узбекские женщины, ветераны войны, пример.

**Keywords and expressions:** War, Peace, the Second World war, life behind the front, heroism, Uzbek women, war veterans, sample.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўзлигини англаш учун тарихни ўрганиб, Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш учун барча шарт-шароитларни яратди. Бунда нафақат узоқ тарихимиз, балки мустабид тузум даври тарихи, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз бошидан ўтган қийинчиликлар, уларни енгишда фронт ортида қаҳрамонлик кўрсатганлар, айниқса аёлларимизнинг матонатли ҳаётини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тарихнинг гувоҳлик беришича, Иккинчи жаҳон урушида 4555 нафар ўзбекистонлик хотин-қизлар фронтда эркалар билан бир сафда тинчлик учун курашдилар. Уларнинг бу ҳаракати катта матонат ва жасорат намунаси эди.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” асарида “Бир нарсани

алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни, баландпарвоз гапларни, дабдабали шиорларни камайтириб, умри эрта хазон бўлган оталаримиз, акаларимиз хотираси олдида изтироб билан бош эгиб, уларнинг жасоратини фахр билан эслаб, авваламбор ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, бугун ҳаёт бўлган собиқ жангчиларга фақат тасаннолар айтиш билан чекланиб қолмасдан, уларга амалий ёрдам бериш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир” [1,81] деган гапларини алоҳида айтиш лозим.

Шу мақсадда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 21 февраль куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 75 йиллигини

нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида”ги Президент фармони

*Т.Эгамбердиева – ФарДУ, педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Халқаро “Турон” ФА академиги.*

## ТАРИХ

лойиҳаси жойлаштирилди.

Ҳужжат лойиҳасига кўра, Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан 2020 йилда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 8 миллион сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилаш таклиф этилди.

Бундан ташқари, “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 75 йиллиги” эсдалик юбилей медали таъсис этилиши режалаштирилган [2].

Мудҳиш Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, қаҳрамонлари орасида матонатли ўзбек хотин-қизларининг борлиги унутиб бўлмас тарихдир. Совет мустабид тузуми йилларида коммунистик партия хотин-қизлар масаласида ўз мақсад – манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб борди, мазкур масалани мафкуравий тазйиқ остида ҳал этишга интилиш оғир оқибатларга олиб келди. Совет ҳокимиятига ва коммунистик партия ўз олдига “Аёлларнинг бутунлай янги авлодини, уларни фақат оилани ўйлайдиган эмас, балки кўпроқ жамият ижтимоий, сиёсий ҳаётида эркаклар билан тенгма-тенг, фаол иштирок этишни истайдиган шахслар қилиб тарбиялашни асосий вазифа қилиб қўйган эди.” [3,4] Шунинг учун хотин-қизларнинг фаолиятига таъсир этишнинг мафкуравий ва ишлаб чиқаришнинг салбий омилларини ҳаётга сингдирилганини таъкидлаш жоиз.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 500 мингдан зиёди фронтга сафарбар этилган. Бу, ўша пайтдаги халқимизнинг 22 фоизини, меҳнатга яроқли аҳолининг эса 40-42 фоизини ташкил этарди [4,318]. Тўрт юз мингдан зиёд киши урушда ҳалок бўлган бўлса, тахминан 130 минг нафар киши бедарак кетган. Бу, халқимиз учун катта йўқотиш эди. Ўзбекистондан 4555 нафар хотин-қиз уруш йилларида фронтда эркаклар билан бир сафда туриб жангга киришди. Улар орасида Фарғона педагогика институти ўқитувчилар институтидан ҳам хотин-қизлар иштирок этишди. Фарғона шаҳридан Зухра Рахимовна Базилюк, Анна Макачук, Нурхон Обидовалар шулар жумласидандир.

1941-йил 22 июнда бошланган фашистлар Германиясига қарши уруш йилларида ўзбек хотин-қизларининг халқ хўжалигидаги иштироки юқори даражага

кўтарилди. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаол тарзда қатнашиб, фронтга кетган эркаклар ўрнига ҳам меҳнат қилдилар. Фронт ортида минглаб хотин-қизлар, “етти ёшдан етмиш ёшгача бутун халқимиз **“Ҳамма нарса - фронт учун, ҳамма нарса - ғалаба учун!”** деб яшади, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Республикамиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди [5,143-144].

1941 йил 26 июнда тошкентлик 1551, 28 июнда фарғоналик 423, хоразмлик 147, андижонлик 798, наманганлик 267 нафар хотин-қиз армия сафига қабул қилишларини, фронтда жанг қилиш истагини билдириб, ариза топширган. 1942 йил баҳорида Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатиб, фронтга отланган 20 нафар ёш врач орасида Нури Шокирова, Пўлатой Қодирова, Собира Мажидова сингари ўзбек қизлари ҳам бор эди. Урушнинг дастлабки йилларида 1 - ўзбек делегацияси тушган ва совға-саломлар ортилган поездни бошқариб борган машинист Башорат Мирбобоева, Зебо Ғаниева, Муқаддам Ашрапова, Азиза Қаландарова, Роза Иброҳимова ва Мавжуда Саматовалар ҳақиқий қаҳрамонлар қаторидан ўрин олишган. Бироқ, совет мустамлакачилиги даврида ўзбек аёлларининг табиатида мавжуд бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғулари сунъий равишда “Иттифоқ” деб аталган ҳудуд билан ўлчанган. Бу эса уларда миллий ўзликни англаш ва миллий мустақиллик учун курашишга қаратилган эҳтиёжларнинг шаклланишига имкон бермаган [6,343].

1941-1945 йилларда коммунистик партия раҳнамолигидаги совет давлати республика ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг фашизмга қарши сафарбар қилинишида аёллар ролини ўстиришда хотин-қизлар бўлимлари фаолиятидан кенг фойдаланди. Совет тузуми хотин-қизлар бўлимларини бир неча бор тугатиб, «вазият талаб этган вақтда» яна қайтадан ташкил этган [6,344].

Уруш йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг халқ хўжалигидаги ролини ўстириш давр талабига айланганлиги учун хотин-қизлар бўлимлари 1943 йил май ойида ВКП(б) нинг қарори билан қисқа муддатга қайта ташкил этилди, улар фаолиятида

ишнинг йўналиш, шакл ва усуллари анча ривожлантирилиб, мураккаблаштириб борилди [6,445].

1943 йил 18 май ойида ЎзКП МҚ бюроси қарори асосида МҚ аппаратида хотин-қизлар ўртасида ишлар бўйича бўлим ва бўлим мудир, вилоят, шаҳар ва район партия кўмиталарида ҳам хотин-қизлар бўлими секретар (котиба)лари лавозими жорий этилди.

Бу бўлимлар турли ташкилотлар, фондлар орқали касаб ва уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотларига таяниб, оммани бошқарган. Мазкур ташкилотлар қонун мустақил бўлсалар-да, аслида партиянинг кўрсатмаларига тўлиқ амал қилган, “партия давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони” шиори остида унинг сиёсатини амалга оширган.

Хотин-қизлар бўлимлари ташаббуси билан аёлларнинг уруш шароитидаги вазифаларига бағишланган хотин-қизлар кенгашлари жамоа хўжаликларида, конференциялар эса туманларда ўтказилган. 1943 йил июль - август ойларида Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида хотин-қизларнинг уруш кунларида жамият ҳаётидаги ролига бағишланган кенгаши бўлиб ўтган. Шу йили октябрь ойида Фарғонада хотин-қизлар бўлими ходимларининг вилоятлараро йиғилиши бўлган. Вилоят бўйича 1943 йил август - сентябрь ойларида бўлиб ўтган кенгаш ва конференцияларда жами 20 538 нафар хотин-қиз иштирок этган. Мазкур йиғилишларда хотин-қизлар бўлимларининг иш усули ва услублари, хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш масалалари муҳокама этилган. Махсус тарғибот-ташвиқот жойлари ташкил этилиб, хотин-қизлар фронт ва халқ хўжалигида юз бераётган янгиликлардан хабардор қилиб борилган [6,347].

Улардан бири – Зебо Ғаниева уруш йилларида Москвадаги театр санъати институтида ўқир, унинг уруш бошлангач ўз юрти - Андижонга қайтиб кетишни эмас, жанг қилишни афзал билгани жасорати, дадиллигидан нишона, албатта. Зебо тез орада моҳир мерган ва разведкачи бўлиб етишди. У хизмат қилаётган ҳарбий қисм Москва-Волга канали бўйида жойлашган бўлиб, бу шинелли қизнинг Москва шаҳри ҳимояси йўлида кўрсатган жасорати тилларда дoston бўлди. У ўз ҳаётини бир

неча бор хавф остида қолдириб, разведкачилар сафида 12 марта “тил” (душманнинг режаларини билиб олиш мақсадида тирик асирни тутиб келтириш) операциясида иштирок этди.

Роза Назированинг асл исми Хайринисо бўлиб, 1904 йилда Гуртепа қишлоғида туғилган. У мактабни тамомлагач, Тошкент вилояти Янгийўл МТСда директор ўринбосари, собиқ жамоа хўжалиги партия кўмитаси котиби бўлиб ишлади. Меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан эътибор қозонган қаҳрамонимиз бир қатор медаллар билан мукофотланган. Роза урушнинг дастлабки кунларидаёқ, уни фронтга жўнатишларини сўраб, ҳарбий комиссариатга мурожаат қилди ва жанг майдонларида тинчлик учун курашди.

Шифокор Муқаддам Ашрапова ҳақида биз адиб Адҳам Раҳматнинг “Шинелли қизлар қиссаси” асаридан билиб олишимиз мумкин. Унда Муқаддам ҳақида қуйидагича маълумот берилган: “Бир куни армия хирург унинг бир бемор ярасини даволаётганини кўриб: “...сиз ҳақиқий хирург экансиз!” - деган экан. Муқаддам ўшандан кейин бутунлай жарроҳликка берилиб кетди. У тобора кўпроқ ярадорларни операция қила бошлади, тажриба ортгани сайин, жарроҳлик пичоғи унинг қўлида қалтирамайдиган бўлди. Шу сабабли жангчилар Муқаддамнинг моҳир ва мўъжизакор қўлини, врачликдаги тенгсиз санъатини ҳали-ҳали эслаб юришлари бежиз эмас. Бу аёл кунни кун, кечани кеча демасдан бутун вақтини госпиталларда, медсанбатда ўтказди”.

Муқаддам урушда кўрсатган хизматлари ва жасоратлари учун «Қизил Юлдуз» ордени ва бир неча медаллар билан тақдирланди. 1945 йилда Тошкент тиббиёт институти иккинчи хирургия клиникасига ординаторликка қабул қилинган Муқаддам Ашрапова профессор М. С. Астров раҳбарлигида ўз маҳоратини ошира борди ва икки йилдан кейин клиника ассистенти этиб тайинланди. 1953 йилда тиббиёт фанлари номзоди, 1958 йилда клиника доцентлигига тайинланди. У профессор М.П. Постолов раҳбарлигида энг оғир касалликлардан ҳисобланган жигар циррозини хирургик усулда даволаш билан боғлиқ мавзуда тадқиқот олиб борди ва докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

## ТАРИХ

Қаҳрамон аёллардан яна бири – Мунира Ғиёсованинг жангоҳлардаги ҳаёти бир китобга жо бўлгулик. У Бухоро педагогика институтида таълим олаётган кунларида уруш бошланди. Ўн саккиз ёшли қиз 1941 йилнинг август ойида кўнгиллилар сафида жангга отланди. Мунира хизмат қилган қисм 1941 йил сентябрь ойи ўрталарида Донбасс бўсағаларига етиб келди. Улар Украинанинг Мелитопол шаҳригача етиб боришди. Ана шу кунларда Мунира Ғиёсовага катта сержант унвони берилди. Сўнг кичик лейтенант унвонини олган Мунирага таътил берилди ва у 1943 йилнинг ёзида Тошкентга келди.

Бу вақтда Муниранинг ёлғиз синглисини тарбия қилаётган бувиси вафот этган эди. Мунира Розияни ёлғиз қолдиролмай, уни ҳам фронтга олиб кетди. Бир неча кун деганда фронт чизиғига етиб келдилар. Мунира хизмат қилган қисм Белоруссия ерларида жанг олиб бораётганди. У ўз қисмини қидириб топди. Командир ўша куннинг ўзидаёқ Розияни қисм тарбиясига олди.

Розия дастлабки кунларда ҳарбий госпиталда яраланган жангчиларга хизмат қила бошлади. Зийрак ва чаққон Розия тез орада ярадор жангчиларнинг севиқли сингиллари бўлиб қолди. Розия уларга газета ва журналларда босилган хабар, мақолалар, ҳикоя ва шеърлар, уйларида келган хатларни ўқиб, керак бўлса, хатлар ҳам ёзиб берарди. Мунира ҳарбий дала почтасида хизмат қилгани учун кейинчалик Розияни ҳам ўз ёнига олди. Жажжи қиз ҳам фронт шароитига кўникиб қолган, бомбардимон вақтларида кўркмас, аксинча ўзини дадил тутар, жанговар топшириқларни муваффақият билан бажарарди.

Опа-сингил Ғиёсовалар Польшани душмандан озод қилишда фаол иштирок этдилар. Ғалабадан сўнг юртга қайтган Мунира Ғиёсова “Жасурлиги учун” ва “Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медаллари билан мукофотланди.

1941 йил декабрь ойида ва 1942 йил январь ойида 2 та миллий бригада ташкил этилди. Улар Самарқанддаги 93-қурилиш бригадаси ва Фарғона водийсидаги 94-ўқчи бригадаси эди. Ана ўша бригадалар таркибида ҳам бир қанча ўзбек аёллари матонат билан фаолият кўрсатган эди. Мазкур 94-ўзбек ўқчи бригадасига атаб 1985 йилда Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати

билан Фарғона шахрининг Мустақиллик дарвозаси рўпарасида ҳайкал ўрнатилган эди. Бу ҳайкал Фарғона вилоят “Ёдгорлик” жамоат фонди бадаллари маблағига бунёд этилган эди. Айнан ушбу 39 бригада Волгоград жангида дивизияга айланиб то Берлингача етиб борганлигини таъкидлаш жоиз.

ВКП(б) МҚнинг 1943 йил 22 январдаги қарорига мувофиқ, 1943 йилнинг май ойидан бошлаб республика партия кўмиталари қошида хотин-қизлар советлари ташкил этилган, уларга вилоят партия кўмиталарида обком секретарлари (вилоят котиблари)нинг ўринбосарлари, шаҳар ва район партия кўмиталарида хотин-қизлар ишлари бўйича секретарлар раҳбарлик қилган. Бутун республикада бу соҳага масъул сифатида вилоят партия кўмиталарида 10 нафар секретар ёрдамчиси, шаҳар партия кўмиталарида 13, шаҳар таркибидаги район партия кўмиталарида 11, қишлоқ район партия кўмиталарида 133 котиба тайинланган эди. Янги ташкил топган бу ташкилотлар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган эди:

-хотин-қизлар ўртасида партиявий-сиёсий ва оммавий-тарбиявий ишларни кучайтириш;

-хотин-қизларнинг фронт ва фронт орқасини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган меҳнатларини уюштириш;

-жангчиларнинг оилаларига зарур бўлган ёрдамни ташкил этишга кўмаклашиш.

Худди шу вазифаларни бажаришда алоҳида жасорат кўрсатган фарғоналик уруш қаҳрамонлари ичида Ўктамхон Пайғамова ҳам бор эди. Бу аёл Қўқон шаҳрида туғилган бўлиб, фронт ортида хизмат қилган. У фронтга ўз қўллари билан тиккан чопон, тўн ва бошқа иссиқ кийимларни етказиб беришда жонбозлик кўрсатган. Бу хизматлари эвазига кўплаб давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Фарғона вилоятининг Бувайда туманида туғилган ва меҳнат қилган аёллардан бири Олияхон Султонова эди. У 12 ёшидан бошлаб ижтимоий ҳаёт соҳасида самарали меҳнат қилган. Меҳнат қаҳрамони бўлган. Урушда ногирон бўлиб қайтган турмуш ўртоғи билан узоқ йиллар аҳил-иноқ яшаб келди ва бир неча фарзандларини эл-юрт хизматида тайёрлай олди.

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилган ва узоқ йиллар яшаб умргузаронлик қилган яна бир уруш қаҳрамони Ойшахон Йўлдошева эди. У 13 ёшда бўлишига қарамасдан, қизилча экиб, фронтга етказиб берганлиги ва бир неча давлат мукофотларига сазовор бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридан бўлган Қумрихон Содиқова Ипак комбинати пилла йигирувчиси бўлиб, фронт ортидаги хизматлари учун Меҳнат қаҳрамони бўлган. У 14 ёшидан бошлаб шаҳардаги фабрикада калаваловчи бўлиб ишлаб, унинг маҳсулотларини Россиядаги Иваново шаҳридаги тўқимачилик комбинатларига етказиб беришда катта ишларни амалга оширган. Унинг “Фабриканининг эшиги очилса ёпилмайди, Марғилоннинг қизлари чирвонга сотилмайди”, деган гапи шаҳарда уруш йилларида жуда машҳур бўлган.

Юқорида номлари тилга олинган бу аёллар жасорати – бизларга ибрат. Президентимиз Ш. Мирзиёев ибораси билан айтганда, “Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида Зулфия ая Зокирова исмли мўътабар онахон яшаб ўтганлар. Том маънода буюк бу инсоннинг жасоратини таърифлашга тил ожиз.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач, Зулфия ая беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказганлар.

Ҳаммамиз яхши биламиз, она зоти учун фарзанд доғини кўришдан ҳам оғир йўқотиш йўқ. Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғлидан - Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган.

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, ҳар қандай одамни ҳам йиқитиб, яқсон қиладиган тақдирнинг бундай бешафқат зарбасига бардош бериш мумкинми?

Лекин Зулфия Зокировадек матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди”[5,147-148]. Мана шундай матонатли, тинчлик учун курашган ота-боболаримиз, момоларимиз эъзоз топган бир даврда уларнинг қаҳрамонликлари ва жасоратини эсга олиш ёшлар қалбидаги ватанпарварлик ҳиссини янада оширади. Айтганларидек, хотира тарихи абадийдир. Ваҳоланки, фронтдаги матонат Ғалабага 75 йил бўлса-да, қалбимизда ғурур, кўзларимизда нам билан эсланади. Чунки, Ўзбекистон хотин-қизлари сабри, матонати билан ғалабага муносиб ҳиссаларини қўша олганлар. Айниқса, даврнинг мураккаб бўлишига қарамасдан, жанг ҳудудларидан юртимизга юборилган, ота-онасидан айрилган 200 минг болани ҳам айнан хотин-қизларимиз ўзларининг чексиз меҳрлари билан бағирларига олганликлари ҳам МДХ давлатлари жамоатчилиги томонидан ҳайрат билан эсланади. Чунки, юборилган 200 минг боланинг бирортаси бу юртда ўзини бегона ҳис қилмади. Бунга биргина мисол сифатида 13 болани ўз оиласи бағрига қабул қилиб, уларга оталик ва оналик меҳрини кўрсата олган Шомаҳмудовлар оиласининг қаҳрамонлиги бунинг ёрқин далилидир. Бу каби жасоратлар ўзбек халқи қаҳрамонлигининг парчалари, холос. Бу каби келажак авлодга ибрат намунаси бўла оладиган тарих қатларининг очилмаган қирралари ҳали кўп. Уларни халқимиз, кўп миллатли аҳолимизга, айниқса ёш авлодга етказиш бугунги кунда илмий жамоатчилик олдидаги долзарб вазифадир.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
2. <https://www.uznews.uz/> Уруш қатнашчиларига 8 млн сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти берилади. 21 феврал 2019.
3. Собирова Д. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи тарихидан. – Т.: “Akademnashr”, 2011.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 318.
5. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б.143-144
6. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. 3-китоб. – Т.: «Sharq», 2010..